

### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.М.Мирзиёевининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси". – Тошкент, 2022 йил 20 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги ЎРҚ-642-сон қонуни. 2020 йил 20 октябрь.
4. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги ЎРҚ-637-сон қонуни. 2020 йил 23 сентябрь.
5. Ўзбекистон Республикаси "Меҳнат кодексини тасдиқлаша тўғрисида"ги қонун ЎРҚ-798-сон. 2022 йил 28 октябрь.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сон фармони. 2022 йил 28 январь.
7. Абдураҳмонов Қ. Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт. Дарслик. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2019 йил.
8. Абдураҳмонова Г. Меҳнат иқтисодиёти. Ўкув қўлланма. – Тошкент: Инновацион ривожланиши нашириёт-матбаа уйи, 2020.
9. Умурзаков Б., Алимухаммедов Б., Махмудов Т. Аҳоли бандлигига кўмаклашиб марказларининг асосий вазифалари ва фаолияти. – Тошкент: Инновацион ривожланиши нашириёт-матбаа уйи, 2021 йил.
10. Абдураҳмонова Г. Инсон ресурсларини бошқариш. Дарслик. – Тошкент: Фан, 2021 йил.
11. <https://www.gov.uz> – Ўзбекистон Республикаси давлат портали
12. <https://mehnat.uz> – Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг расмий сайти
13. <https://stat.uz> – Ўзбекистон Республикаси Статистика бўйича давлат қўмитаси-нинг расмий сайти
14. <https://edu.uz> – Олий таълим, фаг ва инновациялар вазирлигининг расмий сайти
15. <https://uzedu.uz> – Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг расмий сайти
16. <https://www.eqavet.eu>.



### **ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ИҚТИСОДИЙ ФАОЛ БАНДЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ МУАММО ВА ЕЧИМЛАР**

**Миролимов Мирислам Миршокир ўғли -**  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
докторанти

 [https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss2/a24](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss2/a24)

**Аннотация.** Ушбу мақолада Тошкент вилоятида иқтисодий фаол бандликни ривожлантиришдаги муаммо ва ечимлар ва ишсизлик даражаси, меҳнат бозори билан боғлиқ муаммоларини ёритиш ўрганилган. Тошкент вилоятида доимий аҳоли сони, меҳнат бозорининг асосий кўрсаткичлари, меҳнат бозоридаги танглик даражаси, иш билан таъминлашга мухтожик бўлган аҳоли сони динамикаси ва аҳолининг ишсизлик даражаси таҳлил қилинган. Қолаверса, Тошкент вилоятида иқтисодий фаол бандликни ривожлантиришдаги муаммо ва ечимлари хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

**Ключевые слова:** иқтисодий фаол бандлик, меҳнат бозори, иш билан бандлик, ишсизлик даражаси, меҳнат ресурслари.

### **ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ В РАЗВИТИИ ЭКОНОМИЧЕСКИ АКТИВНОЙ ЗАНЯТОСТИ В ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ**

**Миролимов Мирислам Миршокир ўғли -**  
Докторант Ташкентского государственного  
экономического университета

**Аннотация.** В данной статье изучены проблемы и решения в развитии экономически активной занятости в Ташкентской области, а также проблемы, связанные с уровнем безработицы и рынком труда. Проанализированы количество постоянных жителей Ташкентской области, основные показатели рынка труда, уровень напряженности на рынке труда, динамика численности нуждающегося в трудуоустройстве населения и уровень безработицы населения. Кроме того, разработаны выводы и предложения по проблемам и решениям в развитии экономически активной занятости в Ташкентской области.

**Ключевые слова:** экономически активная занятость, рынок труда, занятость, уровень безработицы, трудовые ресурсы.

### **PROBLEMS AND SOLUTIONS IN THE DEVELOPMENT OF ECONOMIC ACTIVITIES IN TASHKENT REGION**

**Mirolimov Mirislam Mirshokir oglı**  
Doctoral student of  
Tashkent State University of Economics

**Abstract.** In this article, problems and solutions in the development of economically active industries in Tashkent region, as well as problems related to the level of unemployment and the labor market, are studied. The number of permanent residents of the Tashkent region, the main indicators of the labor market, the level of tension in the labor market, the dynamics of the population needing employment and the unemployment rate of the population were analyzed. In addition, conclusions and proposals were developed on the problems and solutions in the development of economically active industries in Tashkent region.

**Keywords:** economically active jobs, labor market, employment, unemployment rate, labor resources.

**Кириш.** Мамлакатимизни 2017–2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида ўтган давр мобайнида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этишга қаратилган 300 га яқин қонун, 4 мингдан зиёд Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари қабул қилинди. Шунингдек, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, давлат органларининг ҳисобдорлиги ва очиқлигини кучайтириш ҳамда фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг роли, аҳоли ва жамоат бирлашмаларининг сиёсий фаоллигини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди.

Миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида ташқи савдо, солиқ ва молия сиёсатини либераллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни ташкил этиш ҳамда ҳудудларни жадал ривожлантиришни таъминлаш бўйича таъсирчан чоралар кўрилди. Фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи, малакали тиббий ва таълим хизматлари, муносиб яшаш шароитлари билан таъминлаш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтирилди. Сўнгги беш йиллик ислоҳотлар натижасида мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этишининг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асослари яратилди.

Жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда “Инсон қадри учун” тамойили асосида ҳалқимиз фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаган.

Кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида “Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари” тамойилига асосан ишлаб чиқилган қўйидаги 7 та устувор йўналишдан иборат 2022–2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла иили”да амалга оширишга оид давлат дастури доирасида қўйидаги вазифалар белгиланди [1]:

инсон қадрини юксалтириш ва эрkin фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали ҳалқпарвар давлат барпо этиш;

мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш;

миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш;

адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш;

маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш;

миллий манфаатлардан келиб чиқсан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш;

мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофа салоҳиятини кучайтириш, очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш.

**Адабиётлар шарҳи.** Проф. В.А. Павленков таъкидлайдики, бозор иқтисодиётида меҳнат бозори ёлланиб ишлашга қодир кишиларнинг барчасини: ҳам ёлланма меҳнат билан банд бўлганлар ва банд бўлмаганларни қамраб олади. А.А. Никифорова эса бошқа умумий таърифни таклиф этади: «Меҳнат бозори ривожланишининг даражаси ва бозорда иштирок этувчи кучлар: тадбиркорлар, меҳнаткашлар ва давлат ўртасида маълум даврда эришилган манфаатлар балансини акс эттирувчи ижтимоий муносабатлар тизими сифатида вужудга келган” Баъзи тадқиқотчилар меҳнат бозорини иш ҳақи ва даромадларнинг эркин ҳаракати орқали меҳнатга талабни ва ишчи кучи таклифини ўзини ўзи тартибга солувчи механизм сифатида талқин қиласидилар. Бошқа иқтисодчилар тушунтирадиларки, меҳнат бозори иш берувчилар ва ёлланиб ишлашни хоҳловчиларнинг бевосита келишуви орқали талаб ва таклифни қаноатлантириш учун шароитлар яратади ва ишчи кучининг харид қилиш-сотиш жараёнларини бевосита тартибга солмайди [3].

И.С.Маслованинг таърифи бўйича, «Меҳнат бозори – ўсуви тизим, унда мулкчилик субъектлари ишчи жойлари ва ишчи кучи таклифлари, ходимга ва ёлланма ишга талаб ҳажми, таркиби ва нисбатини шакллантириб, ишлаб чиқариш омиллари (меҳнат воситатари ва ишчи кучи)га ўзаро таъсир этади”. Меҳнат бозори мавжуд, аммо «кесик, шакли ўзгартирилган кўринишда, бунинг устига ҳар нарсани ўз ичига оладиган характерга эга бўлмай, балки меҳнат муносабатларининг фақат бир қисмини қамраб олади”[5].

Қ. Абдураҳмоновнинг таърифига кўра, «Меҳнат ресурсларини тақсимлайдиган ва иш билан бандлик борасида қарорлар қабул қиласидиган бозор – меҳнат бозори деб аталади”. Фикримизча, меҳнат бозори – меҳнатга қобилиятли аҳолининг иш билан банд бўлган ва банд бўлмаган қисмлари ва иш берувчилар ўртасидаги муносабатлар ҳамда уларнинг шахсий манфаатларини ҳисбога олевчи шартномалар асосида “меҳнатга қобилиятларини” харид қилиш – со-

тишни амалга оширувчи ҳамда ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатларни бевосита тартибга солувчи, бозор иқтисодиётининг мураккаб, кўп аспектли, ўсуви ва очик, ижтимоий-иктисодий тизимчасидир [2].

С.А. Карташовнинг фикрига кўра меҳнат бозори меҳнат муносабатларининг жами мажмуаси, яъни ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва ишлаб чиқариш жараёнига жалб этишни ичига олган ҳолда меҳнат хизматларини олди-сотдиси билан боғлиқ давлат, ишберувчилар ва меҳнаткашлар ўртасидаги ижтимоий-иктисодий муносабатлар тизимиридир[4].

Ш.Ш. Шодмонов ва У.В.Faфуровнинг фикрларича: «Ишчи кучи бозори хўжалик фаолияти жараёнида «ишчи кучи» товари эгалари ва унинг асосий истеъмолчилари – давлат ва тадбиркорлар ўртасида меҳнат шароитлари ва унга ҳақ тўлаш миқдорлари, ишчиларнинг маълака даражаси, улар томонидан бажарилаётган ишлар ҳажми, интенсивлиги ва масъулият даражаси бўйича таркиб топувчи ижтимоий-иктисодий муносабатларнинг мураккаб тизими»[5].

Кейинги йилларда меҳнат бозори ҳақида аниқроқ тушунчалар пайдо бўлди. Одегов Ю.Г., К.Т. Козимов каби рус олимлари меҳнат бозорини иш ҳақи ва даромадларнинг эркин ҳаракати орқали меҳнатга талабни ва ишчи кучи таклифини ўзини ўзи тартибга солувчи механизм сифатида талқин қиласидар[6].

Буланов В.С., Генкин Б.М. сингари олимлар эса, меҳнат бозори иш берувчилар ва ёлланиб ишлашни хоҳловчиларни бевосита келишуви орқали талаб ва таклифни қаноатлантириш учун шароитлар яратади ва шу билан бирга ишчи кучини харид қилиш-сотиш жараёнларини бевосита тартибга солмайди, деб изоҳлайдилар[7].

Фикримизча, жойларда иш билан бандлик меҳнат муносабатларининг муҳим базавий элементи ва фаолият кўрсатувчи ишчи кучини ишлаб чиқариш воситалари билан бирлаштирувчи жараён каби мураккаб ва кўп қиррали ижтимоий-иктисодий категория сифатида, уни тартибга солиш эса иқтисодиётни ривожланиши механизми сифатида иштирок этади [8].

**Тадқиқот методологияси.** Мақолада илмий мушоҳада, тизимли ёндашув ва индуксия ва дедукция сингари тадқиқот усулларидан фойдаланилди. Жаҳондаги мавжуд усул ва ёндашувлар таҳлилларига асосланиб, Тошкент вилоятида иқтисодий фаол бандларини ривожлантиришдаги муаммо ва ечимлари бўйича таклиф ишлаб чиқилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Аҳолининг муносиб ва расмий иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон Республикасининг 2021-2030 йилларда аҳоли бандлигига кўмаклашиш

стратегияси” ишлаб чиқилди. Ушбу стратегияни амалга ошириш натижасида эришиладиган мақсадли кўрсаткичлари 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар самарали ва муносиб иш билан бандликни ошириш асосида барқарор ва умумқамровли иқтисодий ўсишга хизмат қиласиди. Ўзбекистонда 2021 йил 1 январ ҳолатига меҳнат ресурслари 19,1 млн. киши, иқтисодий фаол аҳоли 14,8 млн. киши, жами иш билан бандлар 13,2 млн. киши, шундан иқтисодиётнинг расмий секторида 5,7 млн. киши (43,3 %), иқтисодиётнинг норасмий секторида 5,6 млн. киши (42,8 %), ишга жойлаштиришга муҳтож шахслар 1,6 млн. киши (10,5 %) ва хорижда ишлаш учун кетгандар 1,8 млн. кишини ташкил қиласиди. Биргина Тошкент вилоятида иш билан банд аҳоли 73,4 минг кишига етди (1-жадвал)[9].

Тошкент вилояти Оҳангарон туманининг ишлаб чиқариш салоҳияти ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш ҳамда оиласий тадбиркорликни ривожлантириш, бўш турган ва қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотлар ҳамда ер майдонларидан самарали фойдаланиш, йўл бўйи инфратузилмаси имкониятларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда сервис ва хизмат кўрсатиш бўйича истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш орқали аҳоли, хусусан, хотинқизлар, ёшлар ва кам таъминланган фуқаролар бандлигини таъминлаш, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини ошириш, муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси ва ижтимоий инфратузилмани янада яхшилаш бўйича ишлар олиб борилмоқда [10].

Хусусан, Тошкент вилояти бўйича иқтисодиёт тармоқларида бандлар тақсимланишида қишлоқ, ўрмончилик ва балиқчилик хўжалиги ва саноат соҳасининг ўрни катта. Биргина, 2021 йилда қишлоқ, ўрмончилик ва балиқчилик хўжалигида 279,5 минг кишини банд бўлган бўлса, саноат тармоғида эса 274,0 минг киши бандлигини кўриш мумкин (2-жадвал).

Янги технологиялар электрон рўйхатга олиш, интеграциялашган ва автоматлашган ҳолда хизмат кўрсатиш сифатида инсон омили, унинг иштирокини имкон даражада камайтириб, иқтисодий бирликларнинг трансакцион харажатларини камайтириш ва иқтисодий фаолиятни расмийлаштириш имконини беради.

Рақамли иқтисодиёт юқори малакали кадрларни тайёрлаш, касбий малака ва билимларнинг мослашувчан, изчил ва узлуксиз ривожланишини талаб этади ҳамда аҳолининг иш билан бандлигини, хусусан, меҳнат муносабатларини рақамли электрон платформалар ёрдамида рўйхатга олиш ва қулай расмийлаштириш имкониятларини яратмоқда (1-расм) [11].

## Иш билан банд аҳоли (минг киши)

	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
<b>Жами</b>	<b>1289,6</b>	<b>1227,7</b>	<b>1232,9</b>	<b>1177,2</b>	<b>1222,1</b>
Олмалиқ ш.	66,0	80,8	81,1	76,0	75,6
Ангрен ш.	85,4	74,4	74,5	76,5	78,9
Бекобод ш.	45,7	42,6	41,5	40,2	42,6
Чирчиқ ш.	85,0	72,6	72,6	71,3	66,2
Янгийўл ш.	x	22,3	23,5	24,2	24,3
Нурафшон ш.	x	20,7	31,3	32,2	32,5
Оҳангарон ш.	x	14,2	15,7	16,6	18,5
туманлар:				0,0	
Оққўргон	40,0	42,9	43,5	40,4	44,0
Оҳангарон	64,1	36,5	41,3	34,3	36,0
Бекобод	67,8	60,7	63,7	55,1	59,6
Бўйтонлик	75,3	72,8	70,9	68,6	70,8
Бўка	47,5	49,7	50,5	50,2	50,9
Зангиота	153,5	83,2	76,9	78,9	80,9
Қибрай	88,7	87,8	81,2	76,2	79,9
Қўйичирчиқ	42,8	40,8	38,1	39,8	43,2
Паркент	52,4	61,2	61,5	61,2	62,0
Пскент	41,6	41,2	42,8	42,4	42,6
Ўртачирчиқ	81,5	58,0	54,7	49,1	53,9
Чиноз	64,3	53,1	52,6	49,1	52,4
Юқоричирчиқ	64,9	54,2	51,4	53,7	53,7
Янгийўл	123,1	83,8	84,4	66,7	80,2
Тошкент	x	74,3	79,1	74,7	73,4

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳиззидаги Статистика агентлиги маълумотлари. Стат.уз


Рақамли иқтисодиётнинг жамият ҳаётига кенг кириб келиши барча соҳаларда меҳнат фаолиятида интернетдан фойдаланиш “ҳақиқий” ва “виртуал” дунё билан узвий боғланиш шароитида бўлишни тақозо этмоқда. Ўзбекистонда иқтисодиётни рақамлаштиришнинг меҳнат бозорига таъсирини 2020 йилда “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплекси жорий этилишида кўриш мумкин. Ушбу электрон ахборот тизимида идора ва ташкилотларда банд бўлганлар, шахсга оид, вакант иш жойлари, тўғрисидаги маълумотлар тўпланган [12].

Аҳолининг муносиб ва расмий иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон Республикасининг 2021-2030 йилларда аҳоли бандлигига кўмаклашиш стратегияси” ишлаб чиқилди. Ушбу стратегияни амалга ошириш натижасида эришиладиган мақсадли кўрсаткичлари 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар самарали ва муносиб иш билан бандликни ошириш асосида барқарор ва умумқамровли иқтисодий ўсишга хизмат қиласи [13].

## Тошкент вилояти бўйича иқтисодиёт тармоқларида бандларнинг тақсимланиши (минг киши)

	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
<b>Бандлар - жами</b>	<b>1289,6</b>	<b>1227,7</b>	<b>1232,9</b>	<b>1177,2</b>	<b>1222,1</b>
шу жумладан:					
кишлөк, ўрмончилик ва балиқчилик хўжалиги	338,4	322,9	322,2	304,2	279,5
саноат	259,3	255,1	258,4	263,3	274,0
курилиш	122,0	112,8	124,6	119,5	125,3
савдо	148,5	138,4	141,8	129,8	141,5
ташиш ва сақлаш	67,2	63,9	63,8	58,7	60,9
таълим	80,6	80,7	81,6	80,5	88,1
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	49,7	49,8	49,1	49,9	57,1
бошқалар	223,9	204,1	191,4	171,3	195,7

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳиззидаги Статистика агентлиги маълумотлари. Стат.уз



1-расм. Норасмий меҳнат билан бандликнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари  
**Манба:** муаллиф ишланмаси.

Кенг қамровли уланиш туфайли ҳатто масофа ҳам иш билан бандликни таъминлашда муаммо бўлмай қолди. Рақамли иқтисодиёт нафақат билимга асосланган иқтисодиётни шакллантириш, меҳнат бозорида интеллектуал, юқо-

ри малакали, билимли кадрларга талаб ортиши, балки меҳнат муносабатларини расмийлаштиришдаги аҳамияти ва асосларини Ўзбекистонда қабул қилинган куйидаги ҳужжатларда кўриш мумкин (2-расм) [14].

<b>РАҚАМЛИ ЎЗБЕКИСТОН-2030 СТРАТЕГИЯСИ</b>	<b>2030 – БАРҚАРОР РИВОЖЛАННИШ СОҲАСИДА МИЛЛИЙ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР</b>	<b>2021–2030 ЙИЛЛАРДА АХОЛИ БАНДЛИГИГА КЎМАКЛАШИШ СТРАТЕГИЯСИ</b>	<b>2022–2030 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОННИ ИШНОВАЦИОН РИВОЖЛАННИШ СТРАТЕГИЯСИ</b>	<b>ЎЗБЕКИСТОННИНГ 2035 ЙИЛГАЧА РИВОЖЛАННИШ СТРАТЕГИЯСИ КОНЦЕПЦИЯСИ</b>
<b>Рақамли иқтисодиёт ва электрон хукуматин шакллантириш</b>	Самарали ва муносаб бандликни ошириш	Расмий ва барқарор бандликни кенгайтириш	Инсон капиталини ривожлантириш	Юқори иқтисодий ўсиш ва ўрта синфиning шаклланниш

2-расм. Рақамли иқтисодиёт шароитида меҳнат муносабатларини расмийлаштириш асослари  
**Манба:** муаллиф ишланмаси.

Бундан ташқари ишсизликнинг аҳамияти томони шундаки, ишсизликнинг келтириб чиқариши мумкин бўлган ижтимоий-иқтисодий муаммолари сифати ишсизлик келтириб чиқарадиган иқтисодий заарларни ҳам кўриб чиқамиз [15]. Бошқача айтганда, ишсизликдан кела-диган ижтимоий-иқтисодий харажатларни, иш-

сизликни иқтисодий чиқимлари маҳсулот ишлаб чиқармаслик билан боғлиқ. Агар иқтисодиёт ишлашни хоҳладиганлар ва ишлай оладиганлар учун етарли миқдордаги иш ўринлари яратиб беришга қодир бўлмас экан, товарларни потенциал ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бутунлай йўқолади. Шундай вазият вужудга

келадики, унда ялпи миллий маҳсулотнинг ҳажми яратилиши мумкин бўлган потенциали ялпи миллий маҳсулотдан камроқ бўлади.

**Хуроса ва таклифлар.** Меҳнат бозори ва бандлик устидан мониторинг ташкил этишини узлуксиз олиб бориш. Тошкент вилоятида иқтисодий фаол бандларини ривожлантиришдаги муаммо ва ечимлардан келиб чиқиб, қуйидаги таклифларни ишлаб чиқдик:

- мамлакатимизни модернизация қилиш борасидаги ислоҳотлар, иқтисодиётда саноат ва қишлоқ хўжалигида туб таркибий ўзгаришларни давом эттирган ҳолда, хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш якка тартибдаги меҳнат фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш; оиласи тадбиркорликни янада кенгроқ ривожлантириш;

- иқтисодиётнинг реал тармоқларини техник ва технологик янгилаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини кенгайтириш ва уларнинг рақобатбардошлигини ошириш, бу билан мазкур корхоналарда янги иш жойларини яратиш лозим;

- ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан узлуксиз янгилаб бориш, доимий равишда ички имконият ва захираларни излаб топиш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, саноатни модернизация ва диверсификация қилишни изчил давом эттиришдан иборат бўлиши зарур;

- юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, замонавий технологиялар асосида пахта толасини ва мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқаришда кластерларни ташкил этиш, ташқи ва ички бозорда талаб юқори бўлган тайёр, экологик тоза тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш натижасида меҳнат ресурсларининг самарали бандлигини таъминлаш;

- иш излаётган фуқароларга керакли ахборот олиш имконини берувчи маълумотлар, иш ўринлари бўйича шакллантиришни назарда тутувчи бўш ўринлар ва бўш иш жойлари маълумотлар базасидан аҳолининг кенгроқ фойдаланишини такомилластириб бориш лозим.

#### *Манба ва фойдаланилган адабиётлар:*

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармони. <https://lex.uz/uz/docs/5841063>.
2. Абдурахмонов Қ.Ҳ., Шоюсупова Н.Т. Аҳолини иш билан бандлиги. Ўқув қўлланма. – Т., 2011. - 291 б.
3. Холмўминов Ш.Р., Холмуродов С.Э. Меҳнат бозори иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Т., 2013. - 228 б.
4. Холмўминов Ш.Р. Меҳнат бозори иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасм адабиёт жамғармаси нашириёти, 2004. - 144
5. Маслова И.С. Эффективная занятость и рынок рабочей силы. (Эффективность труда в условиях нового хозяйственного механизма. Отв. ред. Д. Корнухин). – М.: Издательство «Наука» 1992. С. 9-10.
6. Экономика труда (социально-трудовые отношения): Учебник. /Под ред. Волгина Н.А., Одегова Ю.Г. – М.: Экзамен, 2006. - С. 139.
7. Ҳасанов К.Н., Баратова Д.А., Уктамов К.Ф., & Абдусаттарова Д.Б. (2021). Improving the Practice of Attracting Financial Resources from the International Capital Market to the Corporate Sector of the Economy. In ICFNDS (pp. 718-727).
8. Ҳасанов К.Н., Баратова Д.А., & Уктамов К.Ф. Дилдора Бокходировна Абдусаттарова Improving the Practice of Attracting Financial Resources from the International Capital Market to the Corporate Sector of the Economy. In The 5th International Conference on Future Networks & Distributed Systems <https://scholar.google.com/citations>.
9. Раҳмонов А.Н., Тұхтабаев Ж.С., Эшбаев А.Х., Уктамов К.Ф., Тиллаева Б.Р., Тайлакова, Д. Б., & Шукuros, Б. А. (2008). Магомед Абдулахат ўғли Сайдов. Economic And Legal System Of Elections And Characteristics Of Electoral Legislation In Germany. International Journal of Aquatic Science ISSN, 8019.
10. Ахунова О.Э., Салимжонова З.С., Нематова Ш.Э. The role of human capital in economic development. Eurasian journal of law, finance and applied sciences. 2022. Innovative Academy Research Support Center [www.in-academy.uz](http://www.in-academy.uz)
11. Ахунова О.Э. Analysis of the causes of unemployment in modern Uzbekistan and the negative consequences of wau. International Engineering Journal for Research & Development. 2022
12. Ахунова О.Э., & Нематова С.Э. (2021). Labor market problems in uzbekistan in the context of covid-19 pandemia. globus, 7(8), 21- 24. 7. Ахунова о.э., Олимова н.х., & Хамирова з.а. (2019). влияние эффективной занятости населения на рынке туристических услуг на национальное прикладное искусство и экономическое развитие страны. //Научные исследования, 24.
13. Абдурахманова Г.Х. Малый бизнес в обеспечении занятости населения в Узбекистане. // Вестник РЭУ, 2014, №12. – С. 129-136.
14. Курпаяниди К.И. Индекс всемирного банка «Doing business» как инструмент оценки эффективности регулирования предпринимательской среды в Узбекистане. // Иқтисод ва молия, 2015, №1. – С. 35-46.
15. A World Bank Group Flagship Report. Doing business 2019. Training for reform. Economy Profile Uzbekistan. Comparing Business Regulation for Domestic Firms in 190 Economies.